

УДК:619:636.3:616.9

БРАДЗОТ (УЧМА) КАСАЛЛИГИ ЭПИЗООТОЛОГИЯСИ ВА ОЛДИНИ ОЛШДА КОМПЛЕКС ТАДБИРЛАРНИ ЎТКАЗШ

Қамбаров А.А.

Аллазов А.С.

Бекназаров С.

Амонқулова Ф.

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва
биотехнологиялар университети

Аннотация. Браздот касаллиги клостридиозлар гуруҳига киради, ўта хавфли инфекцион касаллик бўлиб мамлакатимиз ҳудудларида учраб турибди. Касалликни этиологик омилларини, юқиш йўллари, эпизоотологиясини, диагностик-асини, даволаш ва профилактик чора-тадбирларини мукамал ўрганиш ҳозирги кунги ветеринария инфектологиясида долзарб масаласи ҳисоб-ланади.

Summary: Bradsot illness of sheep nich is in the group of clostridiosis, one of the most dangerous infetuous illnesses appeared in our country. Etymological factors of this disease, infected nays, epizootology diagnostics, cure and prophlaxis actions, nowadays is considered to be culminated in veterinary.

Калит сўзлар: инфекция, инфектология, анаэроб, аэроб, спора, капсула, клостридиозлар, иммунофермент реакцияси, гипериммун қон зардоби, реконвалесцент қон зардоби, нейтрализация реакцияси, антиген, махсус антителолар, анатоксинлар, агглютинация реакцияси, гемоагглютинация реакцияси, гемолиз, уробилин, стеркобилин, лейкоцитоз, лейкопения, фагоцитоз, гликоген, гипергликемия, гипогликемия, диapedез, геморрогия, диapedез.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 28 мартдаги ПФ-5696-сон «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 16 мартдаги «Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4841-сон ва 2020 йил 29 январдаги «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4576-сон, 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-121-сон «Чорвачиликни янада ривожлантириш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу мақола муайян даражада хизмат қилади.

Юқоридаги айтганимиздек браздот касаллиги мамлакатимиз ҳудудида учраб турибди. Касаллик кўзгатувчиси клостридиялар ташқи муҳит ноқулай факторлари таъсирига нисбатан чидамли бўлганлиги сабабли касаллик спорадик кўринишда учраб турибди.

Клостридиоз касалликларига: қорасон, брадзот, юқумли энтеротоксемия, қўзиларни анаэроб дизентерияси, қорамолларни юқумли энтеротокс-емияси, чўчкалар энтеротоксемияси, қўйларни некротик гепатити, ботулизм, қотма, ёмон сифатли шиш касалликлари киради. Бу касаллик қўзғатувчилари патоген анаэроб бактериялардир. Бу касалликларнинг мамлакатимизда учраб туришининг объектив ва субъектив сабаблари бор. Объектив сабаблари бу қўзғатувчиларнинг экологик муҳитда кенг тарқалганлигидир. Туманлар, вилоятлар, Республика ветеринария бошқармалари эпизоотик хариталарини кўриб чиқиб аниқлик киритиш лозим. Инфекция ўчоқларини аниқ белгилаш шарт. Чунки инфекция ўчоқлари бор бўлган ҳудудларда эпизоотияга қарши тадбирлар режаси тузилиши ва ўз вақтида бажарилиши бу касалликларни батамом йўқотишнинг етакчи звеноси ҳисобланади. Хавфли зоналардаги чора тадбирлар ҳам муддатида малакали–сифатли бажарилиши лозим.

Фермага янги келтирилган ҳайвонларни албатта 30- кун давомида карантинда сақланиб ветеринария кўригидан ўтказилиб соғлом бўлсагина подага қўшилади. Фермер хўжаликларига инфекциянинг кириб келиш йўллари атрофлича ўрганилиб, уларни ўз вақтида олдини олиш керак. Доимий инфекция ўчоқларида, унга қўшни ҳудудларда албатта режа бўйича вакцинация ўтказилиши зарур.

Илмий тадқиқот ишининг мақсад ва вазифалари. Пайарик, Жомбой туманлари чорвачилик фермер хўжаликларида туманлар, вилоят эпизоотик хариталари маълумотлари, эпизоотолог врачнинг ҳисобо-тлари ва участка ветеринария врачлари, фермер хўжаликлари бошлиқлари маълумотлари, аҳолидан олинган маълумотлар бўйича эпизоотик ўчоқларни брадзот касаллигини аниқлаш. Касаллик қўзғатувчиларининг морфофизи-ологик, биокимёвий, културал, патогенлик, вирулентлик хусусиятларини туман, ветеринария лабораторияларида, вилоят ветеринария лаборатор-иясида, ВИТИ – лабораторияларида аниқлаш. *Cl. septicum* - полиморф, граммусбат ҳаракатланувчи таёқча 4-5 мкм, субтерминал жойлашган овал споралари бўлади. Касалланиб ўлган қўй жигаридан тайёрланган тамға мазокларда, кўпгина микроблар ипсимон шаклда бўлади. Анаэроб шароитда қаттиқ озуқа муҳитларида ярим ялтироқ четлари бахмалсимон патли нотекс бўлиб, қонли агарда гемолиз зонаси яққол кўринади. Китт-Тароцци муҳитида бульон кучли лойқаланади, газ ажратиб чиқади. *Cl. Oedematiens* тўғри ёки учлари бироз эгилган ҳаракатли перитрих таёқча 4-8x1-1.5 мкм қатъий анаэроб, кислородли муҳитда субтерминал овал споралар ҳосил қилади. Микроблар кўпинча 3-5 микроблар занжирча ҳосил қилиб жойлашади. Қаттиқ озуқа муҳитларида унча тиниқ бўлмаган шудрингсимон колониялар ҳосил қилади. Китт-Тароцци муҳитида колониялар 48-соатда ҳосил бўлади. Сахаралитик хусусияти ўртача бўлиб кам микдорда газ ажралади. Брадзот қўзғатувчи бактериялар 4 типга бўлинади. *Cl. oedematiens*: А тип *Cl. novyi*. В-типи-*Cl. gigas*, С тип *Cl. bubalorum*, Д тип-*Cl. hamolyticum*. Ҳар бир тип махсус антиген токсин ишлаб чиқаради.

Касаллик қўзғатувчи бактерияларнинг спорали шакллари физиковий, химия-вий таъсирларга ўта чидамли. Тупрокда микроблар йиллаб яшай олади.

Қайнатилганда 30-60 мин.да микроблар ўлади. Дезинфекция учун 3% актив хлорли оҳак, 10%ли 70° С ли иссиқ сульфат-корбол эритмаси, 5 % ли иссиқ натрий ёки калий гидроксиди, 10% ли формальдегид эритмалари ишлатилади.

Табиий шароитда қўйлар ёши, жинсидан қатъий назар брадзот билан касалланади. Кўпинча 2-ёшгача бўлган қўйлар кўпроқ касалланади. Касаллик эпизоотия кўринишида учрайди. Брадзот касаллиги йилнинг барча фаслларида учрайди, кўпроқ баҳор ва кузда учрайди, ёз қурғоқчил келганда ҳам учрайди. Касалликнинг келиб чиқишида озуқа рационининг бирдан ўзгариши ҳам сабаб бўлади Бирданига кўкат озуқаларни кўп истеъмол қилиши, рационда оксиллар, минирал моддаларнинг етишмаслиги, ҳазм органларининг гелментлар билан зарарланиши, организмнинг совуқда қолиши, хаддан ташқари иссиқда қолиши ҳам сабаб бўлади.

Касаллик кўзгатувчисининг манбаи касал ҳайвонлар ва бацилла ташувчилар ҳисобланади. Брадзотдан ўлган қўйлар жасадининг ташқи муҳитда қолиб кетиши, касал ҳайвонлар боқилган яйловлар, суғориш жойлари инфекция манбаи ҳисобланади. Ифлосланган яйловлар, қўл, дарёларнинг бўлиши ҳам хавфли ҳисобланади. Касаллик кўкат ўсганда, қиров билан қопланганда, ёмғирли пайтларда, шудрингли пайтларда касаллик кўпроқ чиқади. Қўйларнинг тўпланиб қолган ифлос қўлмак сувлардан ичиши, музлаб қолган, чириган ем-хашакларни истеъмол қилиши касалликни пайдо бўлишига сабаб бўлади. Брадзот билан семиз қўйлар касалланади. Қўйхоналарда боқилганда ёш қўзилар, яйловда боқилганда катта ёшли қўйлар касалланади. Касаллик асосан алиментар йўл билан ифлосланган ем-хашак ва сув билан юқади. Касаллик отардаги 30-35% қўйлар касалланиши ва ўлим 90-100% бўлади.

Касаллик қўйларда ўта ўткир ва ўткир формаларда кечади. Ўта ўткир кечганда (яшин тезлигида) эрталаб қўйхоналарда қўйлар ўлиб ётганини кўрамиз холос. Аслида кечқурун барча қўйлар соғлом бўлиб кўринган . Баъзан қўйларни яйловга ҳайдаётганда йиқилади ва ўлади, конъюнктивит, тимпания, оғиздан кўпик ажралиб туради. Тана ҳарорати нормада ёки биров паст бўлади.

Касаллик ўткир кечганда тана температураси 40.5-41.0°С га кўта-рилади, ҳайвон аҳволи оғирлашади, ем-хашакни емай қўяди, нафас ва пульс тезлашади, бурун–оғиздан кўпик оқади, шилимшиқ ажралади. Баъзан қон аралаш ич кетиш, сийдик ажралиши тезлашиши, тимпания, колик, гиперимиялашган конъюнктивит, тишларни ғижирлатиши, бош, томоқда шишлар пайдо бўлади. Касал ҳайвон қийналиб ҳаракатланади

Баъзан асабий ўзгаришлар: нотинчлик, сезувчанлик кучайиб кетиши, айланма ёки сакраб юришлар пайдо бўлаши, ҳайвон ерга ағнаб турли хил нотабиий ҳаракатлар қилиши, колапс, қалтираш ҳолатлари пайдо бўлади. Бу ҳатти ҳаракатлар бирданига йўқолиши мумкин. Бундай ҳолатлар давом этишда ҳайвон 8-14 соатда, баъзи ҳолларда 3-5 кунда ўлади.

Брадзот касаллигидан ўлган ҳайвон жасади 2-5 соатда шишиб кетади, тезда чириб-ириб кетади, сасиган хидли бўлади. Табиий тешикларидан қон аралаш, кўпиксимон суюқлик оқиб туради. Бош қисми тери ости клечаткасида, бўйин тери ости клечаткасида кўпиксимон шилимшиқ тўпланади , геморрагик инфлтрат шимилган бўлади, газли пуфакчалар ҳам бўлади. Жуни тез юлиниб

кетади, шиллиқ пардалар кўкарган бўлади. Периферик қон томирларида қон ивимади. Кекирдик, бронхлар шиллиқ пардаларида инфльтрация ҳамда нуктали қон қуйилишлари бўлади. Меъда олди бўлимлари озуқа билан тўлган, ширдан эса бўш бўлади. Диафрагма ва кўкрак қафаси плевраларида нуктасимон қон оқишлар бўлади. Кўкрак ва қорин бўшлиғида қизғиш экссудат тўпланади. Ўпка қон билан тўлган, шишган бўлади, юрак мушаклари бўшашиб–идраб қолган, эпикард ва эндокарда геморрагия кузатилади. Талоқ бироз катталашган, жигар қон билан тўлган, устки қисмида некротик тугунчалари бўлади. Буйраклар шишган, гипери-миялашган, бўшашган бўлади. Ширдоннинг шиллиқ пардаларида яллиғ-ланиш ва гиперимия кузатилади, геморрагик доғлар (пятна) кўп бўлади. 12- бармоқли ичак шиллиқ пардалари қизарган, геморрагик яллиғланган бўлади, йўғон бўлим ичакларда ўзгаришлари деярлик бўлмайди.

Касаллик диагноз қўйиш комплекс текширувлар натижаларига асосланиб қўйилади.

- эпизоотологик текширув хулосаси;
- клиник белгилари таҳлили;
- патолого–анатомик ўзгаришлар бўйича хулоса;
- лаборатория текшируви хулосаси;
- Ишончли далил бактериологик, серологик текширув натижалари ҳисобланади;

Брадзот касаллигини қўйдаги касалликлардан фарқлаш шарт:

-Куйдирги касаллиги, инфекцион энтеротоксемия, пастереллез, қора-сон, пироплазмоз, аконит (какра ўсимлиги) билан заҳарланишдан фарқлаш лозим.

Какрадан заҳарланишда токсикологик текширув таҳлиliga қаралади. Юқоридаги барча касалликлардан фақат бактериологик текширув натижаларига асосланиб фарқланади.

Брадзот касаллиги ўта ўткир кечганлиги сабабли даволашга улгур-майди. Аммо касаллик чўзилса у ҳолда антибиотикларнинг грамм мусбат микрофлорага эффекти яхшилари ишлатилади.

Иммунитет.-Брадзот касаллигини профилактика қилишда поливалентлигидроокис алюминийли конценрланган вакцина (Брадзот, инфекцион энтеротоксемия, ёмон сифатли шиш, кўзилар дизентериясига қарши вакцина) ишлатилади. Вакцина икки марта мускул орасига юборилади, интервал 12-14 кун, профилактик мақсадда интервал 20-30 кун. Иммунитет 12-14 кунда пайдо бўлади 6-ой давом этади. Қўйларни комплекс эмлаш методи куйдиргига, чечакка, брадзотга ва инфекцион энтерото-ксемияга қарши эмлаш қўлланилади.

Брадзот касаллигини олдини оlishда комплекс тадбирлар ўтказилади:

- микро, макро климат, ветеринария санитария ҳолатининг стабил назоратини ўрнатиш;
- яйловлар, суғориш жойлари ветеринария санитария назоратига;
- Заҳирадаги ем – хашак, ем озуқалари системали назоратига ;
- Стационар ва кўчиб юрувчи ўчоқларда, хавфли зоналарда ўтказиладиган тадбирлар назорати;

-Профилактик мақсаддаги вакцинациялар эрта баҳорда ҳайвонларни яйловга ҳайдашдан 30-45 кун олдин ўтказилади ;

-Кузда ҳайвонларни қишлоғга олиб келганда иккинчи вакцинация ўтказилади.

-Касаллик чиққан фермер хўжалигига-чеклов ўрнатилиб, ҳайвонларни, ем - хашакни олиб кириш ва олиб чиқиш тақиқланади;

-Клиник соғлом ҳайвонлар ва гумонли ҳайвонлар зудлик билан аълоҳида ажратилиб вакцинация ўтказилади ;

-Касал ва гумонли ҳайвонлар сақланган биноларни 3% актив хлорли оҳак, 5% ўювчи натрий ёки калий, 10 % формалдегид ёки бир хлорли йод эритмалари билан дезинфекция ўтказилади;

-Касал ҳайвонларни сўйиш, терисини ажратиш, жунини қирқиш, соғиш, сутини истеъмолга ишлатиш мутлақо таъқиқланади.

-Касал ҳайвонлар жасади, тўшамалар, қолган ем–хашаклари куйдириб йўқ қилинади;

-Касал ҳайвонларни ёриб кўриш фақатгина махсус жойларда ўтказилади;

-Чеклаш охириги касал ҳайвон йўқ қилингандан 20 кун ўтгач, якунловчи дезинфекция ўтказилиб туман бош ветеринария врачлари, ҳокимият вакиллари иштирокида далолатнома тузилиб бекор қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Egamberdiyevich, R. Z., Ilkhomovich, K. O., & Salokhovich, A. A. (2021). Sheep Brucellosis Is A Dangerous Disease (Literature Review). *Academicia Globe*, 2(12), 11-13.

2. Ilkhomovich, K. O., Salokhovich, A. A., & Sarsengaliyevna, N. J. (2021). Methods of checking for brucellosis in sheep and prevention measures. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(10), 825-828.

3. Klichov, O. I., & Allazov, A. S. (2023). BRUTSELLYOZNI SEROLOGIK TEKSHIRISH USULI VA NOSOG 'LOM XO 'JALIKNI SOG 'LOMLASHTIRISH TADBIRLARI.

4. Рузиев, З. Э., Курбанов, Ж. Х., & Аллазов, А. С. (2021). ЙИРИК ШОХЛИ ҲАЙВОНЛАР ЛЕЙКОЗИДАН ХЎЖАЛИКЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ТАЖРИБАСИ. *ВЕСТНИК ВЕТЕРИНАРИИ И ЖИВОТНОВОДСТВА*, 1(2).

5. Khudjamshukurov, A. N., Allazov, A. S., Klichov, O. I., Asanov, A. U., & Rakhmatova, E. (2024). Efficacy of Eimeriostat Preparations In Experimental Eimeria of Chickens. *Valeology: International Journal of Medical Anthropology and Bioethics* (2995-4924), 2(5), 204-207.

6. Аллазов, А. С., & Кличов, О. И. (2024). КЛОСТРИДИОЗЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТАДБИРЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *Yangi O'zbekiston ustozlari*, 2(2), 99-103.

7. AA, Q., Allazov, A. S., & Sh, H. (2022). KARP BALIQLARI AEROMONOS KASALLIGINI DAVOLASH VA MAXSUS PROFLAKTİKASIDA

PVENTI PREPARATINING SAMARADORLIGI. AGROBIOTEXNOLOGIYA VA VETERINARIYA TIBBIYOTI ILMIY JURNALI, 231-233.

8. Ilkhomovich, K. O., Salokhovich, A. A., & Narzullaevich, E. R. (2021). Diagnostic Methods And Measures For The Prevention Of Listeriosis. *European Journal of Agricultural and Rural Education*, 2(10), 21-23.

9. Аллазов, А. С., & Жуманазаров, А. (2024). ЁШ ҲАЙВОНЛАРНИНГ КОЛИИНФЕКЦИОН КАСАЛЛИКЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ. *Yangi O 'zbekiston ustozlari*, 2(2), 96-98.

10. Аллазов, А. С., & Жуманазаров, А. (2023). ELISA НИНГ КОНКУРЕНТ ТЕСТ КОМПОНЕНТЛАРИ ЁРДАМИДА ОҚСИЛ КАСАЛЛИГИГА ЭМЛАШ ТУФАЙЛИ ҲОСИЛ БУЛГАН ИММУН ФОННИ АНИКЛАШ. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 35(1), 96-99.

11. Аллазов, А. С., & Нематов, С. А. (2023). ПРОФИЛАКТИКА И ЛАБОРАТОРНАЯ ДИАГНОСТИКА СТОЛБНЯКА ЛОШАДЕЙ. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 35(1), 91-95.

12. Klichov, O. I., Allazov, A. S., & Xudjamshukurov, A. N. (2024). CHORVACHILIK XO 'JALIKLARI VA CHORVACHILIK MAHSULOTLARINI QAYTA ISHLASH KORXONALARIDA VETERINARIYA BIOXAVFSIZLIGI. *Yangi O 'zbekiston ustozlari*, 2(29), 72-77.

13. Egamberdiyevich, R. Z., Ilkhomovich, K. O., & Salokhovich, A. A. (2021). Sheep Brucellosis Is A Dangerous Disease (Literature Review). *Academicia Globe*, 2(12), 11-13.